

## Мослашув назариясининг прагматик таҳлилдаги ўрни

Нуралиева Озода Норбоевна

Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети, Самарқанд, Ўзбекистан.

**Аннотация:** Тилдан фойдаланиш амалиёти лисоний танловнинг узлуксиз фаоллашуви тақозо этади ва узлуксиз танлов инсонларнинг мулоқот компетенцияси шаклланиши ривожига туртки беради.

**Калит сўзлар:** Прагматика, лисоний, когнитив, прагмалингвистик, адаптасия, функционализм, контекстуал, синтактик.

**Аннотация:** Практика использования языка требует непрерывной активизации языкового отбора а непрерывный отбор дает толчок к развитию формирования коммуникативной компетенции людей.

**Ключевые слова:** Прагматика, лингвистическая, когнитивная, прогмалингвистическая, адаптация, функционализм.

**Annotation:** The practice of using language requires continuous activation of linguistic selection and continuous selection gives impetus to development of the formation of human communication competence.

**Key words:** Pragmatic, linguistic, cognitive, adaptation, functionalism, contextual, syntactic.

Прагматика шаклланишининг илк босқичидаёқ тилшуносликнинг худди грамматика каби алоҳида соҳаси сифатида қараб келинди. Бироқ прагматикага мустақилликнинг берилиши тилдан фойдаланиш фаолиятининг барча мураккабликларини изоҳлашга имкон бермади. Зотан, тилдан фойдаланиш жараёнида фаоллашадиган лисоний ҳодисалар когнитив, ижтимоий ва маданий хусусиятларга эга ва бу хусусиятларни инобатга олиниши прагмалингвистик тадқиқотларни янги йўналишга ундайди. Ж.Вершуреннинг *Pragmatics as a Theory of Linguistic Adaptation* (1987) номли китобида асосланган ва кейинчалик *Understanding Pragmatics* китобида ривожлантирилган лисоний адаптация (мослашув) назарияси шундай янги йўналишга туртки берди. Ушбу назария кўп жиҳатдан Прага ва Лондон

тилшунослик мактабларида жорийланган функционализм ғоясига асосланган бўлиб, лисоний фаолиятни макро – ижтимоий нуқтаи назардан талқин қилади.

Олимнинг фикрича, инсонлар ўзларини тил ва лисоний бирликлар воситасида воқеликка мослаштирадилар (Verschueren 1987). Унинг талқинича, тилдан фойдаланиш онгли равишда ёки беихтиёр бажариладиган лисоний танловдан иборат бўлиб, ушбу танлов лисоний (яъни тузилмаларни танлаш) ва нолисоний (коммуникатив стратегия танлови) асосларга эга. Танлов амалларининг бу йўсинда бажарилиши аслида тилнинг табиати билан боғлиқ, зотан тил одатда ўзгарувчанлик ва мослашувчанлик хусусиятларига эга. Прагмастистик йўналишдаги тадқиқотларда мослашувчанликнинг структур белгилари билан бир қаторда, унинг контекстуал кўриниши, ривожланиш босқичлари ҳамда қоидалари тўпламининг фаоллашув шартлари ўрганилади.

Лисоний танлов тушунчаси кўп жихатдан М. Ҳоллидейнинг тил фаолияти ҳақидаги қарашларига бориб тақалади. Лондон функционал мактаби асосчисининг таърифича, тил алоҳида таггизимлар жамламасидан иборат ва ҳар бир таггизим сўзловчига маълум маъноларни ифодалаш учун мўлжалланган қоидалар тўпламидан фойдаланиш имкониятини таклиф қилади .

Жумладан, вақт қанчалигини билишни истаган шахс қуйидаги тузилмалардан бирини танлаш имкониятига эга:

- a) I'd like to know the time “Вақтни билмоқчи эдим”;
- b) Tell me the time please “Илтимос, соат неча эканлигини айтинг”;
- c) What's the time? “Соат нечи бўлди?”.

Келтирилган тузилмалар турли шаклларга эгаллиги кўриниб турибди. Биринчиси дарак гап шаклида бўлса, иккинчиси буйруқ – истак майли шаклини олган ва охиргиси сўроқ гапдир. Биз ушбу шакллардан бирини нутқ вазиятидан келиб чиқиб танлашга мажбурмиз. Бироқ лисоний танлов фақат синтактик тузилмаларга таалуқли бўлиб қолмасдан, балки нутқ ҳосил қилиш жараённинг барча сатҳларида намоён бўлади. Масалан, аёл жинсидаги

кишини “a lady” ёки “a girl” деб аташ мумкин, отамизга “Dad”, “Daddy”, “Pa” ёки унинг номини тилга олиб мурожаат қилиш имкони бор. Лингвистик танлов, шунингдек, гап тузилишидаги сўз тартибини ўзгартириш имконини ҳам беради. Масалан, маълум вазиятларда юқорида келтирилган савол тузилмаси бўлаклар тартиби ўзгартирилган ҳолда қўлланади: “The time, what is it?”.

Ж.Вершурин юқорида эслатилган китобида лисоний танловнинг олти кўринишдаги хусусиятга эгаллигини санаб ўтади:

1. Танлов қоидалари тилнинг барча сатҳларида фаоллаша олади. Хусусан, нутқ жараёнида талаффуз меъёрларига амал қилиш билан биргаликда, сўз ва грамматик шакллар танлови бажарилади. Мазкур танлов бир хилда содир бўлмаса-да, лекин турли матнлардаги танловлар бир – бирига муқобил бўлиши шарт. Жумладан, жанр ва баён услуби танлови луғавий birlikлар танлови шартларини белгилаб беради.

2. Сўзловчи шакллар танлови билан бир пайтда мулоқот стратегиясини ҳам танлайди. Лисоний шакл ёки структура танлови тил тизими билан яқиндан таниш бўлишни тақозо этса, мулоқот стратегияси танлови эса шахслараро муносабат қоидалари ва прагматик меъёрлардан хабардорликни талаб қилади.

3. Танлов жараёнида онгли ҳаракатнинг турли даражада кечиши намоён бўлади. Танлов баъзан тасодифий ва беихтиёр кўринишга эга бўлиши кузатилади. Тил соҳиблари замон шакллари танловини кўпинча беихтиёр, автоматик равишда бажарадилар. Аммо, лисоний танлов кўпчилик ҳолатларда ижодкорона, онгли равишда амалга оширилади ва буни айниқса ёзувчи, шоирлар ижоди маҳсулотларида кузатиш мумкин, чунки улар мазмунни таъсирли кўринишда ифодалаб ўқувчиларга етказиш йўллари кидирадилар.

4. Тилдан фойдаланувчилар лисоний танлов қоидаларига нутқ ҳосил қилиш ва уни тушуниш жараёнларида бир хилда амал қиладилар. Ушбу турдаги танловларнинг ҳар иккаласи ҳам мазмун ифодаси ва мулоқот самараси учун аҳамиятлидир.

5. Тилдан фойдаланувчи шахс аслини олганда лисоний танловни бажаришда эркин эмас. Чунки ҳар қандай танлов кечаётган мулоқот эҳтиёжини қондириш, коммуникатив мақсад талабларига мос келиши зарур.

6. Танловларнинг ўзаро муқобил бўлиши қийин, чунки мулоқот контексти, ижтимоий муҳит танлов ҳаракати аниқ бўлишини талаб қилади.

Шундай қилиб, тилдан фойдаланиш амалиёти лисоний танловнинг узлуксиз фаоллашувини тақозо этади ва ушбу узлуксиз танлов инсонларнинг мулоқот компетенцияси шаклланиши ривожига туртки беради.

Лисоний танловнинг содир бўлиши ҳақида гапирилаётганда танловлар даражаси ва йўналишини фарқлаш лозим бўлади. Маълумки, сўзловчи тил тизимида мавжуд бўлган вариантлардан энг мақбулини танлаш имкониятига эга. Энг муҳими, сўзловчи (ёзувчи) шахсга нафақат шакл, балки мазмун танлаш имконияти ҳам берилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Bloor T., Bloor M. The Functional Analysis of English: A Hallidayan Approach. – Cheltenham: Edward Arnold Publishers, 1995.

2. Шодикулова А.З. Матнда когезия ходисаси // “Цифровизация в Обучении Гуманитарных Дисциплин в Медицинском Высшем Образовании” Международный Научно-практическая конференция. ТГСИ, Тошкент, 2022. - Б. 377-379.

3. Halliday M.A.K. An Introduction to Functional Grammar. – L.: Edward Arnold Publ., 1994.

4. Verschueren J. Pragmatics as a Theory of Linguistic Adaptation. Working document. – Antwerp: International Pragmatics Association, 1987.

5. Verschueren J. Understanding Pragmatics. – L.: Edward Arnold Publishers, 1999.

6. Нуралиева О.Н. Бадиий матн таҳлилига прагмалингвистик ёндашув. - Хоразм маъмун академияси ахборотномаси 2022-11\3.